

Date: 19th October-2025

ШАХСНИ УШЛАБ ТУРИШ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Эгамқулов Достон Фарход ўғли

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура
тингловчиси

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал ҳуқуқида ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси шахсни ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган жиддий мажбурлов чораларидан бири ҳисобланади, мазкур мақолада бу каби мажбурлов чорасини қўлланилишининг ҳуқуқий асоси, тартиби, муддатлари, қўллаш учун асослар, ҳозирги вақтда амалиётда бу каби мажбурлов чорасини қўллашда вужудга келаётган муаммолар ва уларни ечимлари тўғрисида илмий асосланган фикрлар юритилади.

Калит сўзлар. Ушлаб туриш, гумон қилинувчи, ҳимоячи, ушлаб туриш муддати, суриштирувчи, терговчи, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс

МЕРЫ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРИМЕНЕНИЯ ПРОЦЕССУАЛЬНОЙ МЕРЫ ПРИНУЖДЕНИЯ В ВИДЕ ЗАДЕРЖАНИЯ ЛИЦА

Аннотация. В уголовно-процессуальном праве Республики Узбекистан задержание лица является одной из наиболее серьёзных процессуальных мер принуждения, ограничивающих права и свободы личности. В настоящей статье рассматриваются правовые основания, порядок, сроки и условия применения данной меры принуждения, а также актуальные проблемы, возникающие в практике её применения, и научно обоснованные предложения по их решению.

Ключевые слова: задержание, подозреваемый, защитник, срок задержания, дознаватель, следователь, олжностное лицо, осуществляющее доследственную проверку

MEASURES TO IMPROVE THE APPLICATION OF THE PROCEDURAL COERCIVE MEASURE OF DETENTION OF A PERSON

Abstract. In the criminal procedural law of the Republic of Uzbekistan, detention of a person constitutes one of the most serious procedural coercive measures that restrict the rights and freedoms of the individual. This article examines the legal grounds, procedure, duration, and conditions for applying such a coercive measure, as well as the current problems arising in the practice of its application and scientifically grounded proposals for their resolution.



Date: 19th October-2025

Keywords: detention, suspect, defense counsel, period of detention, inquirer, investigator, official conducting a pre-investigation inquiry



Ҳукукий давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш асосий вазибалардан бири ҳисобланади. Айниқса, жиноят процессида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган мажбурлов чораларини қўллаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси ҳам шахснинг қонунда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳаракатланиш эркинлигини чеклайди. Шу сабабли, уни қўллашдаги ҳар бир жараён қонунийлик, асосланганлик ва адолат тамойилларига тўлиқ мос келиши шарт.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам ўз нутқларида “Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман. Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарур. Бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борича камайтириш лозим. Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори усгидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда. Сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёпиқ, назоратдан холи бир органга, таъбир жоиз бўлса, охириги инстанцияга айланиб қолган эди. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам айни ҳақиқат. Қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, биз шу ҳақиқатни тан олиб, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришдик. Иш онаманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади.” деб билдириб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 220-моддасида “Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир”, деб кўрсатилган бўлиб, шахсни ушлаб туриш учун асослар сифатида ЖПКнинг 221-моддасида қўйидагилар кўрсатилган:

- 1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

Date: 19th October-2025

2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

ЖПКга мувофиқ, ушланган шахснинг ҳуқуқлари кафолатланади. Жумладан, унга ушлаб туриш сабаблари ва асослари тушунтирилиши, адвокат билан учрашиш имконияти берилиши, яқин қариндошларига хабар бериш ҳуқуқи таъминланиши шарт. Ушлаб туриш муддати 48 соатдан ошмаслиги лозим. Бу муддат ичида суд ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириб, қамоққа олиш ёки ушланган шахсни озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

Бироқ ҳозирги вақтда терговга қадар текширув ҳаракаларини олиб бориш, жиноят ишларини тергов қилишда гумон қилинувчи шахсларни ушлаб туриш вақтида бир қатор муаммолар мавжудлиги кўриниб турибди, мисол учун;

1) ЖПКнинг 224-моддасида “ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;” кераклиги кўрсатиб ўтилган бироқ, кўп ҳолларда шахс ушланган кейин у билан боғлиқ керакли процессуал ҳужжатлар расмийлаштириб бўлингандан кейин уни ҳимоя ҳуқуқ таъминланади.

2) ЖПКнинг 224-моддасида “ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;” кўрсатиб ўтилган бироқ, шахсни жиноят устида қўлга олишга қаратилган тезкор тадбирларда бу қоидага амал қилинмасдан процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Юқорида кўрсатилган камчиликлардан ташқари яна бир қанчасини кўрсатишимиз мумкин, бироқ бу каби йўл қўйилаётган жиддий хатоликларни ҳар бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказди, уларни қонун устуворлигига нисбатан бўлган ишончини сўрдиради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам ўз нутқларида “Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири “Инсон қадри учун” 1 учун тамойили асосида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси кафолатларини кучайтириш, фуқароларимиз учун муносиб яшаш шароитини яратиш ва албатта, улар тинч-тотув истиқомат қилишлари учун жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир жамиятда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи хавфлардан бири бу жиноятчиликдир. Бундан келиб чиқадики, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун биринчи навбатда жиноятларни ўз вақтида фош этиш ва айбдорларни муқаррар жазога тортиш лозим бўлади. Бундай вазифаларни



Date: 19th October-2025

сифатли бажариш учун эса ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини ўз вақтида ва асосли тарзда қўллаш муҳим саналади. Зотан, жиноят содир этишда гумон қилишга етарли асослар бўлгани ҳолда шахсни ушламасдан туриб унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мумкин эмас. Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир” деб билдириб ўтган.

Жиноят процессида “ушлаб туриш” институти жиноятчиликка қарши курашишда муҳим восита бўлсада, унинг қўлланилишида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш устувор аҳамият касб этади. Бу борада юқоридаги муаммоларни олдини олиш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш мумкин, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини ошириш орқали уларга ушлаб туриш асослари ва тартиблари бўйича чуқур билим ва кўникмаларни шакллантириш, ушлаб туриб чоғида расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатларни тўғри ва тўлиқ расмийлаштиришни ўргатиш, адвокат ҳимоясининг самарадорлигини ошириш, адвокатларнинг ушланган шахсга ўз вақтида ва тўлиқ юридик ёрдам кўрсатишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларининг ушлаб туриш амалиёти устидан назоратини кучайтириш орқали очиқлик ва шаффофликни таъминлаш.

Ушлаб туриш институтининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва амалиётдаги муаммоларни бартараф этиш орқали адолатли ва инсонпарвар жиноят процесси шаклланишига эришишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

¹Ш.М.Мирзиёевнинг Конституция ва қонун устуворлиги-ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. – 2019.

²Usmonaliyev N., To'rayev O. JINOYAT PROTSESSIDA USHLAB TURISH: HUQUQIY ASOSLAR VA AMALIY MUAMMOLAR //Молодые ученые. – 2025. – Т. 3. – №. 18. – С. 79-83.

³Абдуллаев А. УШЛАБ ТУРИШ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 9. – С. 354-361.

⁴Ўзбекистон Республикаси ЖПК– 22.09.1994

